*• Бу ҳақда Вазирлар Маҳкамасидаги йиғилишда гапирилган эди*

# БОҚИБЕҒАМЛИККА ЧЕК ҚЎЙИШНИНГ ВАҚТИ ЕТДИ

### СУҒУРТА ТАШКИЛОТЛАРИ ИШИНИ ТУБДАН ҚАЙТА ҚУРИШ ЛОЗИМ

**Шу йил февраль ойида бўлиб ўтган Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида республикамиз Президенти Ислом Каримов жамоа, ширкат, фермер хўжаликлари ва деҳқонларимизга қишлоқда етарли шарт-шароит яратиш, хизмат кўрсатувчи ташкилотларни, кооперация асосида ишловчи тижоратчиларни уюштириш ечилмаган муаммолардан бири бўлиб турганлигини таъкидлаганди. Бундай ташкилотлар ишини банк ва суғурта муассасаларидан бошлаш зарурлигини қайд этганди.**

Тўғрисини айтадиган бўлсак, бу гаплар замирида улкан ҳақиқат бор. Биргина мисол. Ўтган йили жиззахлик деҳқонларнинг ҳалол меҳнатлари туфайли мўл ҳосил етиштирилди. Бироқ куз об-ҳавосининг ноқулай келганлиги, оқибатида октябрь ойи охирларидаёқ йиғим-терим ишлари тўхтаб қолди. Натижада қарийб 27 миллиард сўмлик даромад далада қолиб кетди. Ҳақли бир савол туғилади: етказилган зарарни, йўқотилган даромадни ким қоплаши керак?

Бу вазифа, биринчи галда, суғурта идоралари зиммасига тушади. Суғуртачиларимиз эса кўпинча ушбу ишни пайсалга соладилар, хўжаликларга товон пули тўлашни асоссиз равишда чўзадилар. Гўёки чўнтакларидан бераётгандек миннат қиладилар. Ўртада деҳқон овораю сарсон, унинг арзини тинглайдиган мутасадди кишилар керак бўлганда топилмай қолади. Вилоят суғурта бошқармаси ва унинг жойлардаги бўлинмаларининг бу борадаги ишларини кўздан кечириб, шунга амин бўлдик.

Маълумки, суғурта захираси қишлоқ хўжалик корхоналари, ташкилотлар ва фуқароларнинг мажбурий ҳамда ихтиёрий суғурта тўловларидан ташкил топади. 1993 йилда ана шундай тушумларнинг ҳолати кўнгилдагидек бўлмади. 136 та қишлоқ хўжалик корхонасининг мол-мулкларига жами 1 миллиард 804,5 миллион сўмлик мажбурий суғурта жорий қилинган эди. Шундан 919 миллион сўмдан зиёди ҳанузгача суғурта идоралари ҳисобига ўтказилмади. Бунга хўжаликлар ўз ҳисобларида пул йўқлигини баҳона қилсалар, деҳқончилик-саноат банклари эса суғурта тўловлари биринчи галда ўтказиб бериладиган маблағлар эканлигини унутиб, ҳисоб-китоб ишларини пайсалга солдилар.

1993 йилги табиий офат оқибатлари туфайли 90 та қишлоқ хўжалик корхонасида улар томонидан тақдим этилган 29-рақамли ҳисобот бўйича 4 миллиард 711 миллион 806 минг сўмлик зарар кўрилганлиги аниқланди. Ҳозирга қадар хўжаликларга ана шу суғурта қопламасининг 3 миллиард 794,5 миллион сўмга яқин қисми тўланди. Вилоят суғурта бошқармаси бошлиғи Умурзоқ Оллоназаровнинг айтишича, зиённинг қолган бўлаги хўжаликлар томонидан бериладиган йиллик ҳисоботга асосан тўланар экан.

Бу билан суғурта идорасидагилар қўл қовуштириб ўтирибдилар, дея олмаймиз. Зарар кўрган асосий қишлоқ хўжалик воситаларига ҳам, чорва молларига ҳам — ҳар қайсисига 5 миллион сўмдан 8 миллион сўмгача суғурта қопламаси тўланди.

Халқимизда: «Қарс икки қўлдан»... ёки «Сиздан угина—биздан бугина», деган ҳикматли сўзлар бор. Жамғармадан маблағ олишдан аввал, уни тўлдириш ҳақида ҳам ўйлаш керак. Бизда эса, аксинча. Қачон табиий офат бўларкан, деб кутиб ўтирилади. Воқеа содир бўлгандан кейин эса хўжаликларнинг раҳбарлари зиммаларидаги мажбурий суғурта тўловларини суғурта идораларига аввалдан ўтказиб қўйишни унутиб, улардан товон пули талаб қиладилар.

1993 йилнинг 8 октябрида республика Давлат суғурта бош бошқармаси раиси — молия вазирининг ўринбосари С. Бузрукхўжаев имзоси билан Вазирлар Маҳкамасига ёзилган хатда тўққиз ой мобайнида суғурта ташкилотлари ҳисобига мажбурий тўловларнинг 60 фоизи келиб тушганлиги айтиб ўтилган. Аҳвол шу тариқа давом этадиган бўлса, суғурта тўловлари йил охиригача тўлиқ олинмаслиги, натижада суғурта ташкилотлари мўлжалдаги ҳосилни йиғиб ололмаганликлари учун жумҳуриятдаги жамоа ва давлат хўжаликларига суғурта қопламаси тўлаш мажбуриятини бажара олмаслигини таъкидлаб, амалий ёрдам сўралган. Айни шу пайтда Жиззах вилоятида аҳвол анча жиддий бўлиб, суғурта ташкилотларининг банклардаги ҳисобига хўжаликлар томонидан мажбурий тўловларнинг эндигина 25 фоизи келиб тушган эди.

Бу ҳол вилоят ҳокимлигини ҳам бефарқ қолдирмади. Ҳокимнинг биринчи ўринбосари Аҳмад Соатов имзоси билан дарҳол туман ҳокимларига хат тайёрлаб жўнатилди. Унда қишлоқ хўжалик корхоналари мол-мулкларининг давлат мажбурий суғурта тўловларини ўз вақтида ундириб олишда банк ва суғурта муассасаларига яқиндан ёрдам бериш сўралганди. Октябрь ойи ичида эса республика Қишлоқ хўжалик вазирлиги, «Ўзмевасабзавотузум с а н о а т» концерни ҳам ўз тизимларидаги корхона ва ташкилотларга, вилоятларнинг деҳқончилик-саноат уюшмаларига худди шу мазмундаги хатларни жўнатишди.

Лекин, барибир, бу соҳада на банк ва суғурта ташкилотларида, на хўжаликларда, на туман ҳокимликларида айтишга арзирли ўзгаришлар бўлмади. Сабаби — юқорида тилга олинган жамоалар ўртасида узвий алоқанинг йўқлиги бўлса, республика вазирликлари ва идоралари, вилоят ва туман ҳокимликлари ўзлари жўнатган хатлар орқасидан назорат ўрнатмаганликлари туфайли шундай вазият юзага келди.

Кўрилган барча чора-тадбирларга қарамасдан, айниқса, Арнасой тумани ҳокимлиги, хўжаликларнинг раҳбарлари заррача масъулият сезмадилар. Оқибатда бу туман бўйича жорий қилинган 166 миллион 942 минг сўмлик мажбурий суғурта тўловининг атиги 29,3 фоизи банкларга келиб тушди. Ю. Фучик номли хўжалик бўйича эса 32 миллион сўмликдан зиёд тушумнинг бешдан бир бўлаги таъминланди, холос. Шунга қарамай, ўз мажбуриятини онгли равишда бажармаган хўжалик маъмурияти йил охирида берган ҳисоботига кўра, суғурта идорасидан салкам 253 миллион сўмлик зиён қопламасини талаб қилди. Ёки бу жараённи Пахтакор тумани мисолида кўриб чиқайлик. Туман хўжаликлари суғурта тўловларининг 68 фоизини суғурта муассасаларига ўтказмадилар. Амир Темур номли ширкат хўжалиги эса шартномадаги 34 миллион 477 минг сўм ўрнига аранг 2 миллион сўм маблағни тўлади. Бироқ йил охирида уялмай-нетмай, суғурта ташкилотидан 188 ярим миллион сўмлик зарарни қоплашни талаб этди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 23 декабрдаги 609-сонли қарори бўйича фуқароларнинг мол-мулклари ҳам давлат мажбурий суғуртасига тортилган эди. Шундан кейин аҳолидан иморатлар, хусусий уйлар, чорва моллари учун қарийб 19 миллион сўмлик тушум йиғиб олинди. Шу маблағнинг 7 миллион сўмдан кўпроғи табиий офатлардан зарар кўрган хонадонларга қайта тўланди. Мол-мулкни ихтиёрий суғурта қилиш бўйича ҳам аҳоли билан 37 мингта шартнома тузилиб, 5 миллион 246 минг сўм йиғиб олинган бўлса, унинг 2 миллион сўмга яқини 28 та хўжалик аҳолисига зарар қопламаси сифатида тўланди.

Лекин, шуни айтиш керакки, аҳоли суғурта масаласига қанчалик виждонан ёндашиб, ўз мажбуриятларини бажарган бўлса-да, етказилган зиён пулини олишда ҳамон суғурта идораларига қатнаб, саргардон бўлмоқдалар. Кўпинча баҳорги дўл ва жала туфайли томорқалар, боғлар кўрган талафотни тўлашда суғурта ташкилотлари текшириб кўрмасдан, қишлоқ кенгашлари берган маълумотларга асосланиб, зарар кўрганларни ҳам, кўрмаганларни ҳам бирдек товон пули билан «сийлаб» юборган ҳоллари ҳам учрамоқда. Суғурта бошқармаси ва унинг туманлардаги бўлимлари қишлоқ хўжалик корхоналаридан мажбурий тўловларни ундириб олишда ташаббускорлик, ташкилотчилик кўрсатмай, вилоят ва туман ҳокимликларидан ёрдам сўраш билангина чекланиб қолаяптилар.

Бу шуни кўрсатадики, суғурта муассасалари кўп ҳолларда ҳамон эскича иш юритмоқдалар. Суғуртачилар, банк ходимлари халқ ичига кириб бориш ўрнига одамлар улар орқасидан югуриб юрибдилар. Гапнинг лўндасини айтганда, вилоят суғуртачилари ҳали ўз ишларини бозор иқтисодиёти талабларига мослаб, такомиллаштириб ололганлари йўқ. Улар ҳанузгача ўтган йилги мажбурий суғурта тўловларини ундириб ололмаганликлари етмагандай, жорий йил учун аниқ йўналишдаги дастурини ишлаб чиққанлари йўқ. Қишлоқ хўжалик корхоналари, якка шахслар, банк муассасалари билан ҳамкорлик шартномалари тузишда ҳам силжишлар сезилмайди. Тараққий топган давлатлар суғурта тизимининг иш тажрибаларини ўрганиш ва ҳаётга татбиқ этиш бўйича ҳам ҳеч бир иш олиб борилмаяпти.

Қишлоқда иқтисодий ислоҳотларни тезлаштиришда суғурта ташкилотлари ходимлари ўзларининг масъулиятли ўринлари ва вазифалари борлигини бир зум бўлса-да унутмаган ҳолда бугунги боқибеғамлик кайфиятидан воз кечмасалар, бу соҳада ўзгариш бўлиши қийин.

**Ҳайитбой НАБИРАЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*• Мухбиримиз муаммо қўяди*

# ТУШЛАРИГА ТАРИҚ КИРГАН ТОВУҚЛАР

### ҚАШҚАДАРЕДА ПАРРАНДАЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА НИМАЛАР ТУҒАНОҚ БУЛАЯПТИ?

**ХАЛҚИМИЗ паррандачиликни етти хазинанинг бири, деб бежиз айтмаган. Парранда асралган хонадонларда бирйўла икки муаммо — тухум ва гўштга бўлган эҳтиёж ҳал этилади. Уйида 10—15 товуғи бўлган оилаларнинг бозорга қатнаб, ортиқча сарф-ҳаражатлар қилишига ҳожат қолмайди. Ўзингиз сезмаган ҳолда хонадонингизга чинакам қут-барака киради.**

Етмишинчи йилларнинг бошларидаёқ Фарангистон, Голландия, Олмония, Венгрия каби ривожланган мамлакатларда паррандачилик келажагига қайта умид боғланиб, гўшт бўйича маҳаллий ва экспорт эҳтиёжларининг манбаи деб қаралган.

Қисқа вақт ичида хорижлик паррандабоқарлар шу фикрнинг нақадар ҳаётий эканлигини амалда исботлашди. Ҳозир ғарбда қорамол сутчиликни ривожлантириш мақсадида, қўйэчки эса жуни учун парвариш қилинади. Гўшт етиштириш эса асосан паррандачилик, балиқчилик, қуёнчиликни ривожлантириш ҳисобига бўлаётир.

Ўтган йили Қашқадарё вилоятида паррандалар юқумли касаллиги тарқалганлиги натижасида 693 минг товуқ, 600 мингдан зиёд жўжа нобуд бўлди. Биргина Баҳористон тумани хўжаликларидаги товуқларнинг 54 фоизи йўқотилди. Деҳқонобод туманида ҳам товуқхоналар деярли бўшаб қолди. Косон, Қамаши, Нишон туманларида минг-минглаб товуқлар тухумга кирмасданоқ оёқ қокди. Натижада парранда гўшти, тухум етиштириш режалари барбод бўлди. Режадаги 1854 тонна ўрнига 469 тонна гўшт етиштирилди, холос. Вилоят паррандабоқарлари мўлжалдагидан 33,9 миллион дона кам тухум сотдилар.

Вилоятда паррандачилик соҳасидаги бундай ачинарли ҳол мутасадди ташкилот раҳбарлари ва мутахассисларини ташвишга солмаяпти. Биз ушбу масала билан чуқурроқ танишиш мақсадида сўраб-суриштиргандан кейин шундай хулосага келдик.

Шуниси ажабланарлики, вилоят деҳқончилик саноати бирлашмасида ўтган йил паррандачиликдан олинган фойда ва келтирилган зарарни аниқ айтиб беришолмади. Демак, бу соҳада иқтисодий ислоҳотлар у ёқда турсин, аниқ таҳлилу режанинг ўзи йўқ.

Йирик-йирик паррандачилик фабрикаларининг бўшаб қолганига қарийб бир йил бўлди. Уларда 4 миллион паррандани асраб, кўпайтириш, маҳсулот олиш имкониятлари мавжуд. Амалда эса 877 минг бош парранда боқилмоқда, холас. Демак, паррандачилик фабрикалари қувватидан 20—25 фоиз фойдаланиляпти. Боқилаётган товуқларнинг ҳам ҳар олтитадан биттаси тухум бермайди.

Деҳқонобод туманида бир вақтлар яхши ният билан бир йўла 60 минг тухум берадиган товуқчилик ва 50 минг жўжани боқишга мўлжалланган паррандачилик фабрикаси қурилганди. «Ўлат тегди» баҳонасида ўтган йилиёқ бу ердаги паррандачиликка барҳам берилди. Корхонадаги товуқхоналарни қайтадан тўлдириш учун муддат ҳам, имконият ҳам етарли бўлишига қарамай, лоқайдлик ҳамон бу муҳим ишга панд бериб турипти.

Еки Бозор Қўчқоров раҳбар бўлган Қамаши паррандачилик фабрикасидаги аҳволни олайлик. Корхонада гўшт ва тухум етиштириш учун қулай шароитлар бор. Энг муҳими, 400 гектардан зиёд экин майдони мавжуд. Бу экинзорларда 200 мингдан зиёд товуқни бир йил мобайнида озуқа билан таъминлайдиган миқдорда дон заҳирасини етиштириш мумкин. Шу йўл билан парранда озуқаси ҳам, етиштирилаётган тухум ва гўшт ҳам сўзсиз арзонга тушиши мумкин. Лекин фабрика раҳбари ва мутахассислари маҳсулот етиштиришнинг ана шу усулини ишга солиш ўрнига давлат корхоналаридан дон талаб қилиб туриптилар. Фабрикада қарийб 500 минг товуқни боқиш имкони бўлатуриб, 30 минг парранда сақланаяпти.

Қайси хўжалик раҳбари, деҳқончилик саноати тизимига тааллуқли чорвачилик мутахассислари билан суҳбатлашманг, албатта парранда озуқаси етишмаслигидан сўз очишади. Айтишларича, парранда учун ишлаб чиқариладиган омухта емга қўшиладиган турли витаминлар, балиқ уни, суяк майдаси республикамиздан ташқаридан келтириларкан. Ҳозир уларни етказиб келиш мураккаблашиб қолибди. Тухум етиштиришнинг кескин камайиб кетишига асосий сабаб қилиб шуни кўрсатишаяпти.

Вилоят деҳқончилик саноати бирлашмасининг чорвачилик бўлими мудири Шоҳдор Жўраев қизиқ тажрибани айтиб берди. Касби тумани деҳқончилик саноати бошқармасида ишлаган кезларида бир неча паррандачилик фермаларида товуқ учун озуқа ишлаб чиқариш технологиясини яратишган экан. Дон махсус механизмлар билан янчилгач, унга оҳак, кунжара, арпа ва бошқа аралашмалар майдаланиб қўшиларкан. Шундай қўлбола озуқалар билан боқилган товуқлардан кўплаб тухум олинган экан. Нега ҳозир шу тажрибани амалга ошириш мумкин эмас?

Чорвачиликнинг асоси — унинг озуқа манбаи. Жумладан, паррандачиликни ривожлантираман, тухум ва гўшт етиштиришни кўпайтираман, деган раҳбар изланади, имконият қидиради. Шундай имкониятлардан бири паррандаси бор хўжаликларда тариқ етиштиришни йўлга қўйишдан иборат. Тариқ таркибида бошқа экинларга нисбатан оқсил кўп экани исботланган. 100 грамм тариқ таркибида 4 фоизгача парранда учун зарур ёғлар, углеводлар мавжуд. Унинг 100 грамми 290 килокалория қувват бера олади.

Оқсилга бой экинлардан яна бири маккажўхори. Бу ўсимлик дони таркибида 9 фоизгача, соя ўсимлигида 42 фоизгача оқсил мавжуд.

Илгари Қашқадарё ҳудудидаги кўпчилик хўжаликларда, ҳатто шаҳсий томорқаларда ҳам тариқ етиштирилган. Кейинги йилларда бу экин негадир экилмай қўйилди. 1992 йилда вилоят бўйича 1217 гектар, ўтган йили 27 гектар майдонга тариқ экиш режалаштирилгани ҳолда, бирон гектарга ҳам экилмади.

Ўртача беш минг товуғи бор хўжалик учун беш гектар майдонга тариқ экилса, бас. Бир йил давомида паррандаларни озуқа билан таъминлаш имконияти яратилади. Тариқ экилган майдонларнинг ҳар гектаридан 70 центнергача дон олиш мумкин экан.

Тариқни паррандага дон сифатида беришдан олдин уни турли витаминлар, бирикмалар билан бойитишнинг ҳожати йўқ. Чунки, тариқда парранда учун зарур моддаларнинг ҳаммаси мавжуд. Ҳозирча тариқ вилоят хўжаликларида асралаётган товуқларнинг тушларигагина кириб чиқаётир, холос.

Ўзбекистон «Паррандасаноати» бирлашмаси негадир паррандачиликни ривожлантириш, унинг озуқа базасини мустаҳкамлаш соҳасида мақбул тавсиялар ишлаб чиқаётгани йўқ. Шунингдек, республика чорвачилик илмий-тадқиқот ва Самарқанддаги ветеринария институтларининг илмий ходимлари ҳам бу соҳада кўзга кўринарли хулосаларни беришга ожизлик қилиб туриптилар.

Вилоятда паррандачилик ишлаб чиқариш бирлашмаси ташкил этилган бўлиб, атиги бир неча ой фаолият кўрсатди. Паррандабоқарлар ушбу бирлашманинг фойдасини ҳам, зарарини ҳам сезишгани йўқ. Ҳозирги пайтда вилоят деҳқончилик саноати бирлашмасида бирон киши паррандачилик билан шуғулланмайди, ҳисоботлар жамланмайди. Бундай шароитда паррандачиликни қандай қилиб ривожлантириш мумкин?

Бу соҳада фермер хўжаликлари ташкил этиш ҳам негадир суст бораяпти. Борлари ҳам хўжакўрсингагина фаолият кўрсатиб, иқтисодий ислоҳот самаралари амалда кўриняпти. Паррандабоқар ҳамон хўжалик раҳбарига, ҳисобчию, зоотехникка қарам қилиб қўйилган. Бу аҳволда у қандай қилиб мулкка эгаликни ҳис этсин? Бу соҳада туб ўзгаришлар ясаш, ҳар бир паррандачилик фермаси ва корхонасида мулкчиликнинг замонавий усуллари дадиллик билан жорий қилиниши зарур.

Эндиликда беш мингдан кам парранда сақлаган товуқхоналар кўзга кўринарли натижаларга эришиши қийин. Шу билан бирга паррандачилик фабрикаларига, хўжаликларнинг фермаларига етарли миқдорда экин майдонлари ажратиш, шу майдонларда озуқабоп экинлар экиш, дон етиштирилишини таъминлаш зарур. Шундагина бу соҳада кўзга кўринарли натижаларга эришиш, аҳолининг парранда гўшти ва тухумга бўлган эҳтиёжини қондириш мумкин.

**Пўлат ГАДОЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# РЕЖАЛАРИМИЗ УЛКАН

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари билан учрашувда шу куннинг энг долзарб муаммоларини ўртага ташлади, уларни самарали ечиш йўллари изланди. Жойларда иқтисодий ислоҳотнинг бориши, бу борадаги ютуқлар, камчиликлар, муаммолар атрофлича муҳокама этилди. Учрашув биз, ҳокимларда жуда катта таассурот қолдирди.

Туманимиз меҳнаткашлари бозор муносабатларига ўтишдек мураккаб шароитда ўз вазифаларини сидқидилдан бажаришга ҳаракат қилмоқда. Эртанги кунга ишонч уларнинг меҳнат шижоатини сусайтирмасликка ундамоқда.

Бизнинг вазифамиз халқнинг эртанги куни бугунидан яхшироқ бўлиши учун курашмоқ, тинимсиз ишлаш, ҳаракат қилишдан иборат. Бу эса иқтисодий ислоҳотни изчил амалга оширишда намоён бўлади.

Туманимз ҳудудида 10 та давлат хўжалиги бор эди. Тажриба уларни давлат тасарруфидан чиқармасдан ривожлантириш мумкин эмаслигини кўрсатарди. Шу сабаб, мазкур хўжаликларнинг мулкчилик шакли ўзгартирилди. Бу эса хўжалик ҳисобидаги ер, техника, чорва тезроқ хусусийлаштирилиши лозимлигини, деҳқон ва чорвадорда мулкка хўжайинлик кайфиятини қарор топтириш зарурлигини кўрсатди. Туманда ташкил этилган 19 та ҳиссадорлик жамиятида маҳсулот ишлаб чиқариш 2 бараварда зиёд ошди. Туман ҳудудида ташкил этилган 3 та деҳқон (фермер) хўжалиги ҳам самарали ишламоқда.

Савдо корхоналари ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамиятларига айлантирилди. Бироқ натижа биз кутгандек бўлмади. Савдо расталари зарур кундалик эҳтиёж моллари билан ҳамон тўлдирилгани йўқ. Савдо кўпроқ тижорат ва воситачи дўконларда бўляпти. Бу соҳада ҳам ёпиқ ҳиссадорлик жамиятларини хусусийлаштириш зарурлиги яққол сезилиб қолди.

Туманимизда лалми ер 19,6 минг гектарни ташкил этади. Суғориладиган ерларни 4000 гектарга етказишга ҳаракат қилаяпмиз. Бунинг учун шу йилнинг ўзида дарбанд-бойсун насос станцияси иккинчи тармоғини ишга тушириш мўлжалланган. Мақсад Президентимиз кўрсатмаларига амал қилган ҳолда ғалла майдонларини кенгайтириш, аҳолининг дон маҳсулотларига бўлган талабини тўлароқ қондиришдан иборатдир.

Бу йил 17435 гектар майдонга ғалла экиб, 13785 тонна ҳосил кўтариш ниятимиз бор. Яқинда мен ривожланган мамлакатлардан бири — Бельгияда бўлиб қайтдим. Сафар самараси ўлароқ, Бойсун шойи тўқиш фабрикасининг 150 тўқимачилик дастгоҳини «Пиканол» фирмасида ишлаб чиқарилган «Делта» ва «СТМ-АС» дастгоҳлари билан алмаштириб жаҳон андозалари талабига жавоб берадиган матолар, Мишел Вонде Вил фирмаси дастгоҳини ўрнатиб гилам тайёрлашни йўлга қўямиз.

Хуллас, давлатимиз раҳбари билан учрашув биз, ҳокимлар зиммасида жуда масъулиятли вазифалар турганини яна бир бор эслатди.

**Т. ҲАМРОЕВ,**
**Сурхондарё вилояти Бойсун тумани ҳокими.**

**(ЎзА).**

# КОНСТИТУЦИЯ БАЙРАМИ НИШОНЛАНДИ

Қорақалпоқ элида катта байрам — Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганига бир йил тўлди. Нукусда ана шу санага бағишланган тантанали йиғилиш бўлди.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг қутлуғ айём муносабати билан Қорақалпоғистон фуқароларига йўллаган табригини республика Бош вазирининг ўринбосари М. Қорабоев ўқиб эшиттирди.

Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси У. Аширбеков йиғилишда сўзлаб, қорақалпоқ халқи Конституция ғояларига амал қилиб, мустақил мамлакатимизда осойишталикни барқарор сақлаш, миллатлараро аҳиллик ва фуқаролар тотувлигини авайлаб асраш, турмуш фаровонлигини янада яхшилаш, истиқлолни мустаҳкамлашга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшаверишини таъкидлади.

Тантанали йиғилиш қатнашчилари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига мактуб йўллади.

**(ЎзА).**

**ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ, Бувайда туманидаги таъмирлаш ва ишлаб чиқариш корхонаси маҳсулотлари эндиликда жумҳуриятимизнинг барча вилоят ва туманларида ҳам кўзга кўринадиган бўлиб қолди. Бунга сабаб шуки, ҳозир корхона жамоаси Ўзбекистон Давлат Автомобиль Назорати инспекцияси буюртмасига асосан жумҳуриятимиздаги тракторлар ва прицеплар учун давлат номер белгилари ишлаб чиқармоқда. (Илгари давлат номер белгилари ҳам Россияда тайёрланиб, олиб келинарди). Шу нарсани алоҳида таъкидлаш керакки, корхонада тайёрланаётган давлат номер белгилари бежиримлиги билан техника ихлосмандларига маъқул тушмоқда.**

**СУРАТДА: илғор ишчи Баҳодиржон Умаров.**
**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**




# БАРҚАРОРЛИК БЎЛСАГИНА ИСЛОҲОТ АМАЛГА ОШАДИ

### АМЕРИКАЛИК МАШҲУР ИҚТИСОДЧИ, НОБЕЛЬ МУКОФОТИ СОВРИНДОРИ Д. НОРТНИНГ ФИКРИ АНА ШУНДАЙ.

**Тошкент шарқшунослик институти маркетинг ва менежмент кафедраси мудири, техника фанлари доктори, профессор Б. Турсунов АҚШда «АҚШ — МДҲ — демократиялаш ва бозор иқтисодиёти» шиори остида бўлиб ўтган илмий-амалий конференцияда иштирок этиб қайтди. Конференция Америка конгресси вакиллар палатасидаги демократик кўпчилик етакчиси Ричард Гепхардт ҳамда АҚШ ахборот агентлиги (ЮСИА) ташаббуси билан ўтказилди. Б. Турсунов конференция иши ҳақидаги таассуротлари билан ўртоқлашди.**

Учрашувга МДҲдаги сиёсий, илмий ва ишбилармонлар доираларининг вакиллари таклиф этилган эди. Анжуман собиқ совет республикаларидаги ҳозирги аҳвол ва ислоҳотларнинг амалга оширилиши масала с и н и МДҲ вакиллари билан биргаликда муҳокама қилиш борасидаги бир уриниш бўлди. Кейинчалик маълум бўлишича, анжуман ташкилотчилари келажакдаги иқтисодий сиёсатга зарур тузатишлар киритиш мақсадида ўзларининг иқтисодчи олимлари, бизнесменлари ва сиёсатчилари, шунингдек МДҲдан келган иштирокчилардан АҚШнинг янги мустақил давлатлар учун аҳамияти хусусида тўғри баҳо ва тавсиялар олишни ҳам мақсад қилиб қўйишган экан.

Анжуманда АҚШнинг умуман МДҲ ва хусусан унинг айрим минтақаларига нисбатан Вашингтоннинг ташқи сиёсий стратегиясини ишлаб чиқишга жалб этилган давлат, жамоат ва сиёсат арбоблари, иқтисодчилари зўр манфаатдорлик билан иштирок этгани америкаликларнинг бу конференцияга жиддий муносабатидан далолатдир. Масалан, анжуманда АҚШ давлат котибининг МДҲ мамлакатларига нисбатан АҚШ сиёсати масалалари бўйича махсус маслаҳатчиси, алоҳида топшириқларни бажарувчи элчи, ҳозир АҚШ давлат котибининг ўринбосари бўлган Строб Тэлботт, АҚШ давлат департаментидаги МДҲ мамлакатларига Америка ёрдамини мувофиқлаштирувчи Томас Саймонс, конгресснинг вакиллар палатасидаги демократик кўпчиликнинг раҳбари Р. Гепхардт жаҳонга машҳур иқтисодчи, 1993 йилги Нобель мукофотининг совриндори, Ж. Вашингтон номидаги университет профессори Даглас Норт, конгресснинг вакиллар палатасидаги республикачилар раҳбари Ньют Гингрич, ЮСИА директори Жозеф Даффи, конгресс аъзолари Билл Бредли, Нил Смит, Дэвид Обей, М. Селливан, савдо вазири Рональд Браун, халқаро тараққиёт бўйича АҚШ маҳкамасининг д и р е к т о р и Брайан Этвуд, стратегик режалаштириш бўйича Америка халқаро гуруҳининг вице-президенти Поль-Дуглас, Жаҳон банки молия корпорациясининг бошлиғи Ричард Мосс ҳамда бошқа арбоблар, АҚШдаги энг йирик молия ва саноат корпорацияларининг вакиллари фаол иштирок этдилар.

Умуман америкаликлар ўз мақсадларига эришдилар. Шу билан бирга, конференция фақат АҚШнинг илмий доираларида эмас, Америка жамиятининг олий бўғинлари намояндалари орасида ҳам Вашингтоннинг МДҲ мамлакатларига нисбатан ўтказаётган сиёсатига турлича, баъзан эса қарама-қарши баҳолар ва ёндашувлар мавжудлигини кўрсатди. Бу жиҳатдан жаҳонга машҳур олим, Нобель мукофоти совриндори Д. Норт нутқи диққатга сазовордир. Д. Норт ғарбдаги сиёсатшунослар орасида умуман қабул қилинган мавқеига қарамай, унга МДҲ республикаларининг «олдин сиёсий барқарорлик бўлсин, сўнгра эса демократиялаш ва бозор ислоҳотлари амалга оширилсин» деган қоида асосида ҳаракат қилаётган раҳбарлари кўпроқ маъқул бўлишини айтди. У ғарбдаги кўп иқтисодчи касбдошларининг хатоси МДҲ давлатларига улар шу давлатлар ривожининг ўзига хос хусусиятларини етарли даражада ҳисобга олмай, ислоҳот ўтказишнинг ўз андозаларини тиқиштираётганида эканини таъкидлади.

Бироқ, Ғарбдаги кўп олимлар, жумладан АҚШ олимлари ўз давлатларининг ҳукуматларига МДҲ билан муносабатларини ривожлантиришга доир нотўғри нуқтаи назарни тиқиштиришга уринаётгани, шу тариқа МДҲдаги демократия жараёнларига катта зарар етказаётгани мутлақо кечириб бўлмайдиган хатодир.

Д. Норт ва бошқа олимларнинг гаплари Ўзбекистон раҳбарияти танлаб олган демократия ва бозор иқтисодиётига ўтишнинг фалаж қилувчи эмас, балки тадрижий йўли асосли эканини исботлайди. Айни пайтда улар МДҲ мамлакатларидаги шахсий нафсониятини кўзлаб ҳаракат қилаётган, бу ҳаракатлари ҳақиқий демократияни қарор топтиришга зарардан бошқа нарса етказмайдиган сохта демократларни эмас, балки қонуний йўл билан сайланган ҳокимиятни қўллаб-қувватлаш керак, деган фикрни айтдилар. Менимча, Ўзбекистондаги демократиянинг чинакам тарафдорлари учун демократиянинг қандайдир ташқи белгилари тезроқ пайдо бўлиши эмас, балки унинг ички сиёсий барқарорликни ҳамда иқтисодий ислоҳотларни пухта ўтказишни кўзда тутувчи сифат жиҳатидан ривожланиши муҳимроқдир. Шу ўринда менинг Ўзбекистон ҳукуматининг бозор иқтисодиётини жорий этиш ва жамиятни демократиялаш юзасидан қилаётган саъй-ҳаракатлари тўғрисида берган ахборотим нуфузли анжуман иштирокчиларини жуда қизиқтирганини таъкидлаш лозим.

Мен ўз нутқимда Ўзбекистон — Америка муносабатларида ҳали рўёбга чиқмаган имкониятлар мавжудлигини айтдим. Ўзбекистонда АҚШга кўпгина муаммолар юзасидан муштарак ёки кўп жиҳатдан ўхшаш йўл тутаётган ва ҳамкорлик қилиш мумкин бўлган давлат, деб қаралади.

Марказий Осиё минтақасидаги экстремизмга барҳам бериш, Афғонистон — Тожикистон чегарасидаги можарони тинч йўл билан ҳал этиш масалаларида мамлакатларимизнинг сиёсий манфаатлари ўхшашлиги билан бир вақтда иқтисодий соҳада ўзаро манфаатли ҳамкорлик учун кенг имкониятлар сақланиб турибди. Шу муносабат билан Америка бизнесчиларининг эътибори хорижий сармояни сарфлаш учун республикамиздаги вазиятнинг қулайлигига, Ўзбекистонда хомашё ва материал захиралари мўллигига, малакали ишчи кучи етарли эканига қаратилди.

Бундан ташқари, жаҳондаги кўпчилик ривожланаётган мамлакатлардан фарқли ўлароқ, давлатимизда катта илмий салоҳият мавжуд бўлиб, у аҳолининг ялпи саводхонлиги шароитида ишлаб чиқаришнинг илм-фан ва юксак технология билан кўпроқ боғлиқ бўлган қўшма лойиҳаларни амалга ошириш учун зарур шарт-шароитларни яратиши ҳам АҚШ тадбиркорлари эътиборини тортиши мумкин.

Д. Норт мен билан суҳбатда демократик ислоҳотлар зарур йўналишда амалга оширилаётган Ўзбекистонга ҳам, унинг Президенти И. Каримовга ҳам зўр қизиқиш билан қарашини айтди. Мен унга «Истиқбол» журналининг инглиз тилида чиққан нусхасини тақдим этдим. Атоқли иқтисодчи ушбу журнал учун илмий мақола ёзиш, ўз ғояларини баён қилиб бериш ва Ўзбекистон раҳбарияти танлаган сиёсий ва иқтисодий йўлнинг тўғрилигини тасдиқлаш истагини билдирди.

**(«Народное слово» газетасининг 13 апрель сонидан олинди).**

